

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛ ТЕТИ

Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)
кафедраси
28-29-КТКХМ-12 гурух талабаси

Аббасова ХалимаНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: КХКларда дон тозалаш машиналари мавзусини ўқитиша
интерфаол усулдан фойдаланиш

НАМАНГАН 2016 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛ ТЕТИ

Технология факултети декани

_____ доц. М.Хусаинов

«____» ____ 2016 йил

Химояга рухсат этилсин:

Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини
механизация-лаштириш) кафедраси

мудири

_____ проф. Н. Бойбобоев

«____» ____ 2016 йил

Бакалавр даражасини олиши учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

Мавзу: КХКларда дон тозалаш машиналари мавзусини ўқитишда интерфаол усулдан
фойдаланиш

Диплом лойихасини бажарди:

5140900-Касб таълими (Қишлоқ
хўжалигини механизациялаштириш)

таълим йўналишининг 4-курс

талабаси

Х.Аббасова

БМИ рахбари:

А.Умурзаков

Маслаҳатчи:

доц.А.Насритдинов

Реферат

Битирув малака иши.....варақ тушунтирув ёзуви ва 5 варақ чизма қисмидан иборат.

Тушинтирув ёзуви умумий, технологик, ташкилий, меҳнат муҳофазаси иқтисодий қисмлар, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

График қисми ____та чизмадан иборат бўлиб, ҳар бир чизма талаб даражасида чизилган.

Битирув малака ишини умумий қисмида касб-ҳунар коллекцияни тавсифи, малака тавсифи ва битирув малака ишини асослаш материаллари берилган.

Технологик қисмда дон тозалаш машиналарининг тузилиши, ишлаши ва вазифаси ҳамда уларни турлари, ишлаш жараёнлари келтирилган.

Методик қисмда фан ва мавзунинг тавсифи, фанлараро боғланишлар, мавзунинг услубий ва техник таъминоти, дарс материалы ҳамда анъанавий дарс ўтишнинг қисқача баёни ва уларни замонавий усуллар билан қиёслаш, дарс режаси, дарс мақсадлари, ўқув натижалари, дарснинг жиҳозланиши, дарсни ташкил қилиш, мавзунинг ўқитиш методлари ва уларни таҳлили, кўргазмали ва дидактик материаллари ҳамда “Дон тозалаш машиналари” мавзусини ўқитишида интерфаол усулдан фойдаланиш ҳақида маълумотлар берилган.

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги бўйича дон тозалаш машиналарининг ишлаш жараёнида ҳавфсизликни таъминлаш чора тадбирлари ишлаб чиқилди.

Малакавий ишнинг самарадорлигига дарснинг илғор педагогик технологиялар асосида ўқитилганда унинг анъанавий дарсга нисбатан самарадорлиги таҳлил қилинди.

Мундарижа

Кириш.....	5
1. Умумий қисм	7
1.1 Уйчи қишлоқ хўжалиги КХК тавсифи.....	7
1.2 Малака тавсифи.....	8
1.3 Битирув малака ишини асослаш.....	8
2 Технологик қисм	11
2.1 Донни тозалаш ва саралаш усуллари.....	11
2.2 Дон тозалаш машиналари.....	12
2.3 Дон тозалашнинг назарий асослари.....	14
3 Методик қисм.	17
3.1 Дарс режаси.....	17
3.2 Дарсда тутилган таълимий ва тарбиявий мақсадлар.....	17
3.3 Ўқув натижалари.....	17
3.4 Дарснинг жиҳозланиши.....	19
3.5 Мавзуни ўрганиш учун асосий ва қўшимча адабиётлар.....	21
3.7 Дарснинг ташкил қилиш.....	21
3.8 Мавзуни ўқитиш методлари ва уларни таҳлили.....	24
3.9 Кўргазмали ва дидактик материаллар.....	28
3.10 Дон тозалаш машиналари мавзусини ўқитишида интерфаол усулдан фойдаланиш.....	29
4 Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги.....	30
5 Малакавий ишнинг самарадорлиги.....	31
Хуласа.....	33
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	34

Кириш

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширилиши “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг сифат босқичини таъминлашда Олий ва ўрта маҳсус, касб - ҳунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу соҳани ривожлантириш учун эса янгича фикрлайдиган, ўқитишнинг замонавий метод, шакл ва усусларидан самарали фойдалана оладиган юқори малакали педагог кадрларни тайёрлашдан иборат./1,2/

Юқоридагиларни амалга ошириш учун таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни электрон дарсликлар, мултимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз касб – ҳунар коллежлари, лицейлари ва Олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникиси билан етарли даражада таъминлаш зарур. Бу эса мухандис- педагогларда мутахассислик фанларини илфор – педагогик технологиялар асосида ўқитиш, дарс бериш амалий кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. /3/

Юртимизда ҳозирги замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, ёш талabalарни ватанга муҳаббат туйғуси руҳида, миллий ғуур ва миллий ифтихорни ўзига сингдирган, ватан равнаки, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлиги йўлида фидокор бўлган, ўзини мутахассислигини чуқур билган ўз фикрини теран ифодалай оладиган баркамол инсонни тарбиялаш олий ўқув юртининг энг долзарб вазифасидир.

Малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Ҳозирги пайтда КХК лари талabalарини малакали мутахассис этиб тайёрлаш ва уларни касб – ҳунарга йўналтиришда замонавий ўқитиш методининг аҳамияти бениҳоя каттадир. «Қишлоқ хўжалиги машиналари» фанидан дон тозалаш машиналари мавзусини ўқитишда интерфаол усульдан фойдаланиш ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Ушбу мавзуни интерфаол усульдан фойдаланиб ўқитишни долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги кунда колледж ўқувчилари учун мутахассислик фанлари бўйича етарли даражада илфор педагогик технология усуllibари мавзуда кенг ёритилмаганлигидир. Бундан ташқари Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва чет эллардан кириб келаётган янги, замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарининг тузилиши, турлари, вазифалари бўйича адабиётлар мавжуд аммо ушбу адабиётлар ҳамма коллежларда ҳам етарли эмас.

Шуларни хисобга олиб ушбу вазифани амалга ошириш учун мавзуни янги материаллар билан бойитиш ҳамда дидактик воситаларни қўллаш долзарб масала хисобланади.

Мавзунинг обьекти. Дон тозалаш машиналари.

Битирув малакавий ишини мақсади. КХКларда дон тозалаш машиналари мавзусини ўқитишда интерфаол усульдан фойдаланиш услубини ишлаб чиқиши.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Дон тозалаш машиналарининг вазифаси, тузилиши ва ишлаши ҳамда уларни ишлаш жараёнлари ва уларга қўйиладиган агротехник талаблар асосида мавзуни интерфаол усульдан фойдаланиб ўқитиш услубини ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти. Дон тозалаш машиналарининг тузилиши, ишлаши ҳамда уларнинг турлари, ишлаш жараёнини ўрганишда, интерфаол усульдан фойдаланиш орқали талabalарни мустақил фикрлаш қобилияти ошади ҳамда мавзуни мукаммал ўзлаштириш ҳолатлари кузатилади.

Бити्रув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битириув малакавий ишининг тузилиши, кириш, умумий қисм, технологик қисм, методик қисм, малакавий ишнинг самарадорлиги, хаёт фаолияти ҳавфсизлиги, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг мазмуни бет жадвал, расм ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

1. Умумий қисм

1.1. Уйчи қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи тавсиғи

Уйчи қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи Ўрта махсус касб - хунар таълими марказининг 2006- йилдаги 167- сонли буйруғи асосида ташкил топган бўлиб 540 ўринга эга. Колежнинг умумий ер майдони 4 га ўқув биноси 2 та бўлиб 1106 нафар ўқувчи касб – хунар ўрганмоқда. Коллежда 32 нафар умумъталим фани ўқитувчisi, 11 нафар ишлаб чиқариш таълим усталари, 17 нафар педагог – мухандис таълим тарбия бериб касб – хунар ўргатмоқда. Коллеж махаллий бюджет ҳисобидан жиҳозланган.

Коллежда 7 та йўналиш бўйича қўйидаги касблар берилади.

- Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш

Касблари: Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш, электрогазпайвандчи, кенг профилли тракторчи “В” ёки “ВС” тоифали хайдовчи

-Тикув ва трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш технологияси

Касблари: Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси, кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси ва бичувчиси, тикув жиҳозларини созвучиси.

-Компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш.

Касблари: Техник дастурчи, компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш техники

-Электр тармоқлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш ва ишлатиш

Касблари: Электр монтажчи, электромонтёр, электромеханик, электр энергия истеъмолчилари назоратчisi, электрчилангар.

-Ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш.

Касблари: Ўсимликшунос фермер, чорвадор фермер, лаборант ассименатор, кенг профилли тракторчи “В” ёки “ВС” тоифали хайдовчи.

-Молия.

Касблари: Корхоналар молиячиси, молиячи иқтисодчи, молия бозорлари мутахассиси.

-Бухгалтерия ҳисоби

Касблари: Бухгалтер, бухгалтер иқтисодчи, дастурчи бухгалтер.

Коллежда жами 21 та тўгарак мавжуд бўлиб уларда 438 нафар ўқувчилар шуғулланади.

Ўтган 2010 йилда коллежни 224 нафар битиравчилар мувоффақиятли тамомладилар. Уларни 208 нафари тумандаги турли ташкилот, корхоналар, фермер хўжаликларига ишга жойлашдилар. Қолган 16 нафар талабадан 3 нафари касб- хунар коллежимизга ишга қабул қилинди. 13 нафари олий ўқув юртларига кириш учун хужжатлар топширишди.

Ўқувчилар амалиётларни хусусий фирмаларда, фермер хўжаликларида муқобил машина – трактор паркларида туман газ таъминоти ҳамда электр тармоқларида олиб боришади.

Касб-хунар коллежи давлат стандартлари доирасида ўрта махсус касб-хунар билимини берадиган ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган янги турдаги ўқув юртидир.

Таълим шакли кундузги. Касб-хунар коллежи битириувчиларига давлат томонидан тасдиқланган нусхадаги диплом берилади, унда ўрта маҳсус касб таълими йўналишлари ва мутахассисликларини классификатори таснифлашни мувофик мутахассислик бўйича берилган малака кўрсатилади.

Касб-хунар коллежида ўқиш муддати 3 йил мутахассисликлар ўрта маҳсус касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторлари асосида тайёрланади.

Битириув малакавий иши амалиёти Уйчи қишлоқ хўжалик КХК да бажарилди. Амалиёт даврида БМИ га тааллуқли бўлган барча маълумотлар олинди.

1.2. Малака тавсифи

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш уни янада ривожлантириш борасида улкан ютуқларга эришилди. Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида тайёрланаётган мутахассислар замон талабларига мос бўлиши бугунги куннинг талабидир. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш таълим йўналиши бўйича касб-хунар колежларида кичик мутахассисликларни тайёрлаш муҳим ахамиятга эгадир.

Республикамиздаги касб-хунар колежларида қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш ва техник хизмат қўрсатиш мутахассислиги бўйича қуидаги касблар бўйича кичик мутахассислар тайёрланади:

- қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш чилангари
- электрогазпайвандчи
- кенг профилли тракторчи
- “В” ёки “ВС” тоифали ҳайдовчи

Стандартда белгиланган зарур ва етарли мазмуни, касбий таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга кичик мутахассис малакаси берилади.

Касбий таълимни чукурлаштириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш тизимида, тармоқ ўкув муассасаларида ва маҳсус курсларда кейинчалик малакани ошириш амалга оширилади.

Олий ўкув юртларида касбий фаолиятни мазкур соҳасида янада юқорироқ малакага эришилди.

Ушбу тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассисликлар меҳнат бозорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ўрта маҳсус касб-хунар таълим Маркази, Меҳнат вазирлиги ҳамда Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган «Ўрта маҳсус, касб-хунар ўкув муассасалари битириувчисининг фаолияти йўналишлари эгаллаган касблари, лавозимлари тариф разрядларининг оралиғи» меъёрий хужжат асосида келтирилган тариф разрядлари бўйича ишлашлари мумкин.

1.3. Битириув малака ишини асослаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2014 й мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилиш таклифи билдирилди. Бу таклиф тантанали мажлис иштирокчилари томонидан қўллаб – қувватланди. Шундан сўнг маърузада соғлом бола йили бўйича қабул қилинадиган давлат дастурининг энг устувор йўналишлари белгилаб берилди /4/. Ушбу устувор йўналишлар қаторида таълим тизими соҳасига эътибор бериш “Таълим тўғрисидаги қонун” ва

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг сифат босқичида олиб борилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми ва бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Президентимизнинг ушбу қароридан келиб чиқиб биз ҳам Мустақилликни 22 йиллигига ўзимизни олган назарий билимларимизни мустаҳкамлаш учун битирув малакавий ишимизни юқори савияда бажаришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ҳозирги кунда касб-хунар коллекларида талбаларга дарс машғулотларни ўтказиш учун ўқув қуроллари ва касбий фанлардан адабиётлар таъминоти талаб даражасида эмас. Шунинг учун касб-хунар коллекларида яратилаётган адабиётларнинг янги авлоди, касб-хунар коллекларини таълим стандартлари талабларига тўла жавоб бериши лозим бўлган адабиётлар яратиш керак. /5/

Бундан ташқари республикамизда амалга оширилаётган «Таълим ислоҳотлари» ни акс эттириш лозим, яратилаётган адабиётлар ва ўқув қўлланмалар нафақат талабалар аудиторияси учун, балки, ўқитувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлиши лозим, яъни ўқитувчилар учун мавзуларни ва машғулотларни ўтишда лозим бўлган илғор услубий кўрсатмалар ҳам келтирилган бўлиши керак.

«Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» таълим йўналишининг қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш мутахассислиги бўйича қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш, электрогазпайвандчи кенг профилли тракторчи «В» ва «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашда «Қишлоқ хўжалиги машиналари» фани касбий фанлардан бири ҳисобланиб, касбий кўникмалар ва билимларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда ўзбек тилида «Қишлоқ хўжалиги машиналари» фани бўйича. М. Шоумарова томонидан ишлаб чиқарилган китоб мавжуд бўлиб, бу адабиётда қишлоқ хўжалиги машиналарининг тузилиши, ишлаш принципи, технологик иш жараёни, дон тозалаш машиналарининг тузилиши, вазифаси, ишлаши, ҳамда уларнинг технологик иш жараёни масалалари ёритилган. /5/

Касб-хунар коллекларида касбий фанлардан таълим берувчи ўқитувчиларни ҳам малакаси талаб даражасида деб бўлмайди. Касб-хунар коллекларидаги бу муаммоларни ечиш мақсадида таянч олий ўқув юртлари қошида ўқитувчиларни малакасини ошириш курслари ва бўлимлари ташкил этилди. Бундай бўлимларни ташкил этиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини сифат босқичини вазифаларини амалга оширишга қаратилган муҳим қадамлардан биридир.

Касб-хунар коллекларининг педагоглари таълим стандартлари, ўқув режалари ва фаннинг намунавий дастури асосида фаннинг ҳар бир мавзусига бағишлиланган дарс машғулотларини аниқ мақсадлар асосида режалаш малакасига эга бўлиши лозим.

Ҳар бир фанни намунавий ва ишчи дастурлари асосида ҳар бир мавзуга бағишлиланган дарс машғулотларини олиб бориш жараёнини лойиҳаламасдан таълим жараёнини сифатини оширишни тасаввур қилиш мушкул.

Дарс жараёнини лойиҳалаш, яъни соддароқ қилиб айтганда режалаштириш, бу мавжуд адабиётлар, илмий техник журналлар ва ахборотлар, ўқув жиҳозлари, ўқитиши воситалари, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқув ва таълим мақсадларига эришишни энг самарали йўлларидан биридир.

Ҳозирги кунда дарс жараёнини режалаштиришга ва лойиҳалашга бағишлиланган кўплаб анжуманлар, ўқув курслари ташкил этилиб, ушбу анжуманлар материаллари асосида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда ва таълим жараёнинда кенг қўламда

фойдаланилмоқда. Жумладан касбий ва техника фанларидан маъruzалар матни, ўқув қўлланмалар ва адабиётларни яратиш бўйича услугубий кўрсатма ва қўлланмалар ишлаб чиқилди. Бироқ бундай қўлланма ва кўрсатмаларда техник фанларни ўзига хос томонлари етарли даражада очиб берилмаган ва ҳисобга олинмаган.

Таълим жараёнини сифатини белгиловчи ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун касбий фанларни ҳар бири бўйича илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанни ўқитиш услубларига бағишлиланган адабиётларни яратиш ва уларни кўплаб нусхаларда чоп эттириш таълим жараёнида ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Битирув малака ишининг асосий мақсади «Қишлоқ хўжалиги машиналари» фанидан «Дон тозалаш машиналари» мавзусини ўқитишда интерфаол усулдан фойдаланиш бўлиб, юқорида келтирилган вазифаларни бажаришда бир кичик қадам бўлиб ҳисобланади деб ўйлаймиз.

«Дон тозалаш машиналари» мавзуси «Қишлоқ хўжалиги машиналари» фанига тегишилдири. «Қишлоқ хўжалиги машиналари» фани Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш касби бўйича чилангар уста, электрик, «В», «С» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашда асосий касбий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу фанни ўқиш жараёнида дон тозалаш машиналарининг тузилиши, қисмлари уларнинг вазифаси, ишлашини тегишли материаллар асосида ишлаб чиқиши бўйича билим ва қўнималарни эгаллайдилар.

Битирув малака ишининг асосий мақсади чилангар уста, электриклар, «В» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашда «Қишлоқ хўжалиги машиналари» фанининг аҳамияти, тутган ўрни, вазифаси ва мақсадларини, фанлараро боғланишларини ўрганиш. Қишлоқ хўжалиги машиналари фанидан “Дон тозалаш машиналари” мавзусини ўқитишда интерфаол усулдан фойдаланиш ва мавжуд адабиёт ва қўлланмалардаги ушбу мавзу материалларини таҳлил қилишдан иборат.

2. Технологик қисм.

1. Donni tozalash va saralash usullari

Kombayndan xirmonga keltirilgan donni omborga joylashdan oldin uning sifatiga ta'sir kursatadigan xar xil aralashmalardan tozalash kerak.

Donni ikki maksadda tozalanadi:

1. Ozik-ovkat uchun don, asosan, begona utlarning achchik va zaxarli urugidan, puch, singan donlardan ajratiladi.

2. Uruglik tayyorlash uchun maxsus etishtirilgan galla xosilini avval tozalab, keyin uruglik uchun saralanadi.


Donni tozalash va saralash usullari ularning fizik-mexanik xususiyatlariiga boglik xolda buladi. Bularga donning ulchamlari, aerodinamik xususiyatlari, zichligi va boshka xususiyatlari kiradi.

Donni aerodinamik xususiyatlardan foydalangan xolda xavo okimi yordamida engil kushindilardan ajratiladi (231- rasm). Don aralashmasiga ventilyator 1 xosil kilayotgan xavo okimi (shamoli) yunaltirilsa, puch va engil kushindilar (uchuvchanligi kup bulganligi sababli) uzokrok joyga uchib utadi va 4- novga tushadi. Tuk va ogir donlar yakinrokdagi 3-novga tushadi.

Don uchta ulchami bilan tavsiflanadi: buyi 1, eni v, kalinligi

(232- a rasm). Donni eniga karab yumalok kuzli (232- v rasm), kalinligi buyicha kuzlari turburchak shaklidagi (232-b rasm) Kalvirlarda tozalanaadi, uzunligiga karab esa trierlarda saralanadi.

Donni galvir yordamida tozalash uchun uning ustiga tushayotgan aralashma galvir yuzasiga nisbatan siljib xarakatlanishi kerak, aks xolda don galvir kuzidan utmaydi. Shu sababli galvir, albatta, tebranma xarakat kilishi kerak. Don uzunligi buyicha silindr simon



trierlarda saralanadi. Trierlar ich tomonida uyachalari bulgan uzluksiz aylanuvchan silindr dan iborat (233- rasm).

Aylanayotgan silindrning bosh kismidan saralanayotgan don uning ichiga tushadi. Agar donning uzunligi uyacha diametridan kichik bulsa, u uyacha ichiga tushgan xolda silindr bilan birgalikda ma'lum balandlikka kutarilib, keyin uz ogirligi bilan pastga, ya'ni,



nov 3 ga tushadi. Uyachaga sigmagan don esa silindr kiya urnatilganligi sababli, uning kuyi tomoniga siljib borib tushib ketadi. Kupinchalarga ikki xil: uzun va kalta aralashmalarni ajratadigan trierlar birgalikda urnatiladi. Birinchisining uyachalari don uruglari uzunligi buyicha tulik sigadigan diametrda uylgan. Trier aylanganda uyachalarga tushgan uruglik donning xammasi kutarilib novga tashlansa, suli urugi va boshka uzun aralashmalar silindrning ikkinchi chetigacha siljib borib, chikib ketadi.

Tozalanayotgan donning tarkibidagi zarrachalar xar xil aerodinamik xususiyatga ega bulgani sababli, ular maxsus aspiratsion kanallarida ventilyator xosil kilayotgan xavo okimi ta'sirida bulaklarga ajratilib tozalanadi.

Donni shakliga kura kuzlari uchburchak kurinishida bulgan galvirda (234- rasm), vintsimon separatorlarda (235- rasm), kiya urnatilgan turli shakldagi novlarda tozalanadi (236- rasm).

Ba'zi ekinlarning uruglariga, odatda, aralashib koladigan begona utlarning urugi uzining ulchamlari, shamolda uchuvchanligi va boshka xususiyatlariga karab, deyarli asosiy ekin urularidan fark kilmaydi. Bunday xollarda don sirtining gadir-budurligidan foydalanib tozalanadi. Masalan, beda uruidan sarik pe-

chak uruini ajratish uchun tozalanadigan uruglar aralashmasiga magnitga tortiladigan metall kukun korishtiriladi, sarik pechak urugi gadir-budur bulganligi sababli, unga metall kukuni yopishib koladi va u aralashmani tagiga magnit 1 urnatilgan tasmasimon transportyor 2 da xarakatlantiriladi, natijada, urug magnit tomoniga burilib ajraladi (237-rasm).




Uruglik don solishtirma ogirligiga karab pnevmatik saralash stolida saralanadi. Galvir va trierda tozalangan uruglik ichidan sifati pastrok tuk bulmagan don saralash stolida ajratiladi (238-rasm). Stolning diagonalni buyicha kiya urnatilgan galvirsimon yuza tebranma xarakatlanadi, uning ustiga solingen uruglik tagidan (stol yuzasidagi teshiklardan) ventilyator orkali xavo puflanib uruglarni sakratadi. Tebranish va sakrash ta'sirida solishtirma ogirligi kamroq bulgan uruglar kalkib, don katlamining ustiga chikib, 2- va 3- novga tushadi. Eng tuk donlar tagida kolib 4- novga tushadi.

2. Don tozalash mashinalari

Donni tozalash va saralash mashinalarining turlari juda kup bulib, kuyida bevosita kombayndan chikkan yoki dastlabki tozalashdan utgan don maxsulotlarini tozalaydigan mashinaning ish tartibi keltirilgan (239- rasm).

Mashina, asosan, kirgichli transportyor-ta'minlagichdan, xavo yordamida tozalash kismidan, galvirlar tuplamidan, silindrik trierlar va don uzatish elevatoridan tashkil topgan.

Transportyor-ta'minlagich 1 uz kirgichlari bilan xirmondag'i don uyumidan oz-ozdan donni erdan yukoriga — mashinaning taksimlovchi shnegi 3 ustiga kutarib uzlusiz tukib turadi. Shnek 3 donni mashinaning kengligi buyicha bir tekis taksimlab, xavo yordamida tozalaydigan birinchi aspiratsion kanal 5 ga tushiradi. Tozalanayotgan don kanaldan utayotganida ventilyator yukoriga xaydayotgan xavo okimi yordamida engil kushindilar uchib tindirgich 6 ga tushadi. Sharoitga karab, tunuka tusikchalar yordamida xavo okimi tezligini uzgartirish mumkin. Agar xavo okimining tezligi me'yordan kuprok bulsa, tindirgichga puch donlar bilan birgalikda tuk donlar xam uchib tushadi. Tezlik kichik bulsa, B1 galvirga engil kushindilar tushib tozalash kiyinlashadi.



ШАРГИИ БЕЛГИЛАР:

- | | |
|---------------------------|-------------------------|
| — тозаланувган маҳсулот; | — ♂ — ҳабо охими; |
| — — маҳбоб аралашнолар; | — « — ажаси аралашнолар |
| — « — ўзирин аралашнолар; | — □ — лүнг дон; |
| — — — ўзун аралашнолар; | — △ — чане тұғын; |
| — * — кимсек аралашнолар; | |

Aspiratsion kanaldan utib, engil kushindilardan xoli bulgan don yukorigi B1 galvirga tushadi. Tebranayotgan va kiya urning B1 galviri kelayotgan donni uzaro teng ikkiga ajratadi. Yirik kismi B2 galvirga utib elanadi.

Asosiy don va mayda, ammo ogir, kushindilar B2 galvir kuzlaridan utib, uning tagidagi G galvirga tushadi, yirik kushindilar esa B2 galvirining yuzasidan uchinchi chikish noviga tushadi. Donning B1 galvirdan utgan kismi pastdag'i V galvir ustiga tushib elanadi va ogir mayda kushindilardan tozalanib G galvirga uzatiladi. G galvirda B2 va V lardan kelgan maxsulotlar kushilib birgalikda elanadi va mayda donlar galvir kuzidan utib ikkinchi chikish noviga tushadi. G galvirda kolib tozalangan yirik donlar ikkinchi aspiratsion kanal 12 ga tushib, takroran engil kushindilardan xoli buladi va elevator yordamida silindrsimon trier 10 ga yuboriladi. Agar don ypyglik uchun tayyorlanayotgan bulsa, trierlarda kushimcha tozalanib, kiska va uzun kushindilardan ajratiladi. Ozik-ovkat uchun tozalanayotgan bulsa, trierlar ishlatilmaydi.

3. Don tozalashning nazariy asoslari

Aralashmadan vertikal yunalishdagi xavo okimi yordamida donni ajratib olish, uning tarkibidagi kushindilar va donning aerodinamik xususiyatlariga asoslangan bulib, bunda ikkita kursatkich e'tiborga olinadi:

- donning muallaklik (kritik) tezligi VM;
- uchuvchanlik (paruslik) koeffitsienti K.

Xavo vertikal okimining tezligi V_x muallaklik tezlik V_m ga teng bulsa, okim ichiga urnatilgan don yoki biror jism, pastga yoki yukoriga xarakatlanmasdan, joyida kalkib turadi. Don aralashmasidan ayrim kushindilarni uchirib olib ketishi uchun xavoning tezligi V_x ularning muallaklik tezligi VM dan katta bulishi kerak. Xavo okimidagi jismga shamolning bosim kuchi R ta'sir etadi:

$$R = qpxS(V_x - V_m)2, \quad (165)$$

bu erda, q — xavoning karshilik koeffitsienti, uning mikdori, jismning shakli, sirt xolati va xavoning tezligiga boglik bulib, u tajriba asosida aniklanadi.

(bugdoy uchun $q \approx 0,18...0,26$, suli uchun $q \approx 0,011...0,15$);

p_x — xavoning zichligi ($p_x \approx 1,2 \text{ kgG}^{-1}\text{m}^3$).

S — jism

Midel kesimining yuzasi, m^2 (Midel kesimi deganda, jismning xavo okimiga perpendikulyar bulgan tekislikka tushirilgan proektsiyasi tushuniladi). Donning ogirlik kuchi aerodinamik bosim R ga teskarli yunalgan. Agar $G > R$ bulsa, don pastga tusha boshlaydi, $G = R$ bulsa, don muallak xolatda buladi. $G = R$ bulishini ta'minlaydigan V muallaklik (kritik) V_m tezlik deb ataladi va kuyidagi ifoda yordamida aniklanishi mumkin:

$$V_m = \sqrt{\frac{G}{qp_x S}}, \text{ m/c}, \quad (166)$$

(166) formuladagi q va S mikdorlarni anik topish kiyin bulganligi sababli, amalda V_m mikdor tajriba asosida ulchab aniklanadi.

Uchuvchanlik (paruslik) koeffitsienti Ku esa xisoblab topiladi:

$$K_p = \frac{9,81}{V_m^2}.$$

Donni tozalashning keng tarkalgan usullaridan yana biri — turli shakldagi kuzga ega bulgan galvirlarda elashdir. Galvir kuzidan don elanib utishi uchun kuyidagi ikkita shart bajarilishi kerak:


1. Galvir kuzining kattaligi shunday tanlanishi kerakki, unga don tegishli ulchami buyicha (eni yoki kalinligi) bemalol sigadigan bulishi kerak.

2. Don galvir yuzasiga nisbatan ma'lum tezlikda xarakatlanishi kerak.

Galvir 1 gorizontga (burchagi ostida kiya urnatilib, (240- rasm) tortki 2 ga osilgan buladi. Galvirni radiusi rk bulgan krivoship 3 va uzunligi 1 bulgan shatun 4 tebranma

xarakatga keltiradi. Texnologik jarayon davomida galvir ustidagi donga ogirlilik kuchi G, ishkalanish kuchi F va inertsiya kuchi Ri lar ta'sir kiladi. Galvirning engashish burchagi kichik bulgani uchun kabul kilinsa,

G qmg, F q mgf va Ri q ma ga teng buladi.



Bu erda, m — donning massasi, kg; g q 9,81 mG` s²;

f — don va galvir yuzasi orasidagi ishkalanish koeffitsienti;

a — donning nisbiy xarakatdagi tezlanishi, mG` s².


Don galvir yuzasida nisbiy xarakatlanishi uchun $R_i > F$ yoki $a > g f$ bulishi kerak. Demak, don bilan galvir orasida ishkalanish kamrok bulsa, galvir yuzasida donning xarakatlanishi osonlashadi. Shu sababli, galvir sirtini zanglashdan va yopishkok modda bilan chirklanishdan doimo saklamok zarur.

Shartga kura aq o bulsa, galvir shatunning S nuktasiga uxshash xarakatlanadi. Krivoship radiusi r shatun uzunligi 1 dan 15 ... 25 marta kichik bulganligi va krivoshipni tezlikda aylanayotgani e'tiborga olinsa, galvirdagi nukta t vakt ichida S qrk(1-sos(t) yulini V q q rkwsina tezlik va a q q rkw2cosat tezlanish bilan bosib utadi. Xavo karshiligi xisobga olinmasa, galvir sirtiga nisbatan donning siljishi, yukorida kayd etilgan shart ($R_i > F$) ni vujudga keltirish uchun, ya'ni $ma > mgf$ bulishi kerak.

Tezlanish a ning kiymati e'tiborga olinsa, $rkw2cosat > gf$ buladi. Krivoshipning t q 0 yoki t q 1800 xolatlarida cosat q 1 ga teng bulganligi sababli a maksimal kiymatga ega buladi.

Demak, amaxq $rkw2$ xolatida $rkw2 > gf$ ta'minlash uchun krivoshipning burchak tezligi tayinlanmasligi kerak. ýalvirni xarakatga keltirayotgan krivoshipning r kursatkichlariga karab aniklanadigan $rkw2G'9,81$ q K galvir „kinematik rejimining kursatkichi“ deb ataladi ($Kq0,12...0,18$).

Kinematik rejimining kursatkichini tayinlashda donni galvir yuzasidagi nisbiy xarakat tezligi V_n ma'lum mikdordan oshmasligini kuzda tutish kerak. Don kiya urnatilgan galvir ustida (241-rasm) xarakatlanib, uning kuziga tugri kelganda, A nuktadan boshlangich tezlik V_n bilan erkin tusha boshlaydi.



Agar V_n me'yoridan ortib ketsa, don v kenglikdagi galvir kuziga tusha olmay, undan sakrab utib ketadi, natijada elanmaydi. Don galvir kuzining V nuktasidan yukorirok joylariga urilsa, pastga tushmasdan orkasiga kaytib ketishi mumkin. Shu sababli, V nukta donning galvir kuzidan utishiga joiz bulgan chegara xisoblanadi.

Don radiusini r ga teng bulgan yumalok jism deb kabul kilinsa, u erkin tushishida gorizontal yunalishda S , vertikal yunalishda h yullarni bosib utadi:

$$\begin{aligned} S &= \theta \cos \alpha - r = V_n t, \\ h &= \theta \sin \alpha + r = gt^2/2 \end{aligned} \quad (167)$$

(167) tenglamadan:

$$V_n \leq (\theta \cos \alpha - r) \sqrt{\frac{2(\theta \sin \alpha + r)}{g}} \quad (168)$$

(168) formuladan kuzning kengligi v kancha katta bulsa, V_n ni kuprok tayinlash mumkin. Don yirikrok bulsa V_n ni kamaytirish kerak (bugdoy tozalashda V_n q 0,35 – 0,45 mG's) buladi.

3. Методик қисм.

3.1. Дарс режаси

1. Дарс мавзуси. КХК ларда дон тозалаш машиналари мавзусини ўқитишида интерфаол усулдан фойдаланиш

3.2. Дарсда тутилган таълимий ва тарбиявий мақсадлар

Дон тозалаш машиналарининг тузилиши, ишлаши ва вазифаси ҳамда донни саралаш триерларининг турлари билан таништириш ҳамда уларнинг қисмларини жойлашишини тушунтиришдан иборат.

Тарбиявий мақсади. КХК ларда дон тозалаш машиналари мавзусини ўқитишида интерфаол усулидан фойдаланишни шакллантириш.

Ривожлантириш мақсади. Ўқувчиларни дон тозалаш машиналари мавзусини ишлаш принципи ва унга қўйилган талаблар бўйича билимларини чуқурлаштиришни ривожлантириш.

Дарснинг тури. Янги билимларни ўрганиш

Ажратилган вақт 6 соат.

Дарснинг ўтиш жойи. Қишлоқ хўжалик машиналари хонаси.

Дарснинг жиҳозланиши.

1.Плакатлар: Дон тозалашмашиналари.

2.Дон тозалаш машинаси қисмлари.

3. Дон тозалаш машинасининг иш жараёнини акс эттирувчи мултимедиали дарслиги

3.3. Ўқув натижалари.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини баҳолашни қўйидаги усуллари ва мезонлари мавжуд: холисона баҳолаш; билимни баҳолаш ишончлилиги; валидлик; оғзаки назорат; ёзма назорат; тестлар воситасида билимларни назорат қилишдир.

Холисона баҳо уни ўқитаётган шахсга боғлиқ бўлмайди, у талабалар билимини давлат таълим стандартига мувофиқлигини акс эттириши керак. Бошқача қилиб айтганда, айрим бир масалани баҳолашда бир неча ўқитувчининг ягона бир натижани белгилашидир.

Холисликни таъминлаш учун бир неча босқичларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Баҳолашни холисона амалга ошириш, маълумотларни холисона қайта ишлаш, натижаларини холисона талқин қилиш шулар жумласидандир.

Педагогикада «Ўлчаш» атамаси янги бўлиб, билимни баҳолашга ўлчаш деб қаралади, бунда таълим натижаси маълум бир сон билан белгиланади.

Баҳолашни, яъни ўлчашни холисона ўтказиш ҳар бир талаба бир хил шароитда бир хил синовдан ўтишини талаб этади.

Маълумотларни холисона қайта ишлаш деганда, барча педагоглар томонидан бир хил кўлланиладиган аниқ мезонлар назарда тутилади.

Тест натижасини компютер воситасида қайта ишлаш холисликни таъминлайди, ягона дастурий таъминот асосида амалга оширилади. Натижаларни холисона талқин қилишга эришиш учун бир неча педагог қўйилган баҳо юзасидан фикр билдириши лозим. Компютер воситасидаги талқин холисона бўлиб, айнан бир хил узвий алоқалар белгиланади.

Илмий педагогикада холисликдан ташқари, яъни «ишиончлилик» ва «валидлик» каби услубий меъёрлар ҳам мавжуд./10/

Билимни баҳолаш ишончлилиги-педагог ўлчовининг аниқлик даражасидир. Агар қайта синовлар натижасида айнан бир хил натижалар қайд этилса, баҳолаш усули ишончли ҳисобланади.

Оғзаки назоратни афзаллиги шундаки, ўқитувчи ва талаба орасида жонли мулоқот бўлади, талаба ўз фикрини оғзаки баён қилишни ўрганади, билимларни чуқурроқ текшири мақсадида қўшимча саволлардан фойдаланиш мумкин. Талабанинг оғзаки жавобга тайёргарлик кўриш жараёни уни фаол ақлий фаолияти билан боғлиқ бўлади. Яхши тайёргарлик кўрган талаба ўз билимларини, ақлий қобилятини намойиш эта олади. Агар ўқитувчида талабанинг билим даражаси борасида баъзи шубҳалар туғилса, қўшимча саволлар бериш орқали уни бартараф қилиш имкони бор. Шу билан бирга оғзаки назоратда, маълум даражада, ўқитувчи шахсияти ҳам акс этади. Хорижий тадқиқотларда таъкидланишича, «икки педагог бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, айнан бир ўқувчини маълум бир фан соҳаси бўйича, айнан бир таълим мақсади асосида синовдан ўтказганда, баҳолар 40-60 фоиз ҳоллардагина бир хил бўлади». Айнан бир талаба билимини битта ўқитувчи юқори баҳоласа, иккинчиси паст баҳолаган.

Шундай қилиб, оғзаки ва ёзма синов натижалари баъзан субъектив бўлади. Талаба баҳоси, одатда, факат унинг билим даражасигагина боғлиқ эмас. Ўқитувчи ўз фаолиятида одатда гуруҳнинг ўртacha ўзлаштириш даражасини инобатга олади, шунинг учун билим даражаси паст бўлган синфларда баҳо нисбатан баландроқ, билим даражаси кучли синфларда нисбатан пастроқ бўлади.

Ёзма назорат ўқув материалини ўзлаштириш даражасини ҳужжатлар асосида аниқлаш имконини беради, ўқувчилар эса, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма баён қилиш тажрибасига эга бўладилар. Ёзма ишни бажариш жараёни тафаккурни юқори даражаларини ривожлантирувчи кучли омилдир. Иккита ёки учта холис эксперталар ёрдамида, аниқ мезонлар маълум бўлганда, холисона баҳога ниҳоятда яқин бўлган натижани аниқлаш мумкин.

Умуман олганда, билим савиясини оғзаки ва ёзма назорат қилиш етарли даражада технологик эмас, бу усувлар ўқув фаолиятидаги энг қийин ва қизиқарсиз усувлардандир.

Сўнги йилларда илмий педагогикада холисона баҳолаш, оғзаки ва ёзма назорат валидлигини ошириш усувлари ишлаб чиқилган. Билимларни тест воситасидла назорат қилиш бу икки назорат усулига нисбатан самаралироқдир.

Ўзбекистонда педагогик тестлар биринчи марта 1992 йилда кенг миқёсда қўлланилди, шу йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Фармонига мувофиқ олий ўқув юртлари абитуриентлари учун тест синовлари ўтказилди. Кейинчалик талабалар билим доирасини аниқлашнинг холисона усули бўлган педагогик тест синовлари таълим тизимида давлат миқёсида қўллаб-куватланди.

Аммо тест синовларини умуман камчиликлардан холи деб бўлмайди. Тест синовларини кўпгина шакллари талабани мустақил равишда жавобларни тайёрлаш тажрибасидан маҳрум этади. Бу синовларда талабани психологик фаолияти «эркин шаклдаги» жавобларидан фарқланади, талабанинг индвидуал томонлари, ақл заковати намоён бўлмайди. Билими синалаётган шахс факт тўғри жавобни танлайди холос.

Талабалар билимини синаш усулларини камчилиги ва афзаликларини кўриб чиқиб, шундай хulosага келинди. Агар тест тўғри ташкил этилса, у талабалар билимини холисона баҳолаш имконини беради, чунки бу баҳо ўқитувчи шахсига боғлиқ бўлмайди. Тўғри бажарилган тест топшириқлари маълум ўлчов даражаси асосида баҳоланади. Шунинг учун ҳам тест топшириқларини аниқ ва холисона педагогик баҳолаш воситаси дейишади. Аммо малакали равишда тузилган сифатли, илмий талабларга асосланган тестгина ана шундай баҳолаш имконини беради.

Ўқувчилар билимини баҳолаш учун , оғзаки савол-жавоб ва ёзма иш учун топшириқлар:

Ўқувчиларни билимини баҳолашда оғзаки сўровлар учун топшириқлар:

1. Donga aralashgan begona o`t urug`lari qanday usullar bilan ajratib olinadi?
2. Don aralashmasi aerodinaik xossalari bo`yicha qanday moslamada ajratiladi?
3. G`alvir tanlash tadbirini aniqlang?
4. Triyer aylanish tezligi qanday ko`rsatkichlar bilan cheklangan?
5. Urug`ning uchuvchanlik (paruslik) koeffitsiyenti qanday aniqlanadi?
6. G`alvir harakatining tezlanishi qanday ahamiyatga ega?
7. Donning g`alviroq nisbatan harakatni tezligi nega cheklangan bo`ladi?
8. Triyer ishidagi novning holati qanday bo`lishi kerak?
9. Aspiratsion kanaldagi havo oqimini tezligi qanday baholanadi?
10. Donni oziq – ovqat va urug`lik uchun tozalashda qanday farq bor?

Ўқувчиларни билимини баҳолашда ёзма иш учун таянч сўз ва иборалар:

1.Дон тозалаш машинаси. 2.триер. 3. ғалвир 4. Аспирацион каналлар . 5. шнек. 6. элеватор 7.транспортёр

3.4. Дарснинг жиҳозланиши

Ўқитиши усуллари деганда, ўқитувчи ва ўқувчининг орасида бўладиган, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга, уларни меҳнатга, ижодий ишга бўлган қизиқишини шакллантиришга қаратилган биргаликда фаолиятлари тушинилади. «Қишлоқ хўжалик машиналари» фани машғулотларида қўлланиладиган ўқиши услубларини қўйидаги турларга бўлиш мумкин: тушинириш, сўзлаб бериш, маъруза, сухбат, китоб билан ишлаш, Ўрганилаётган обьектларни ва қўргазмали қуролларни намойиш қилиш, кино ва диафилмларни кўрсатиш, ЭҲМ да фанни электрон дарслкларидан фойдаланиш, ўқувчиларни мустақил кузатишлари, амалий ишлари ва бошқалар. Ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини текширишда жорий, кузатиш, оғзаки ва ёзма текшириш, амалий топшириқларни бажаришни кузатиш асосий ҳисобланади. /11/

Ўқувчиларнинг билимларини шакллантиришни оғзаки усулини кўриб чиқамиз:

1. Ҳикоя-бунда Қишлоқ хўжалик машиналарини яратилиш тарихи, унинг асосчилари, Қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича чилангар уста ва ҳайдовчилар тайёрлашда фаннинг аҳамияти, илфор фермер хўжаликлари тажрибалари ҳақида сўзлаб берилади. Бунда қўргазмали қуроллар ва деталлардан фойдаланиш лозим.

2. Тушинтириш- бунда у ёки бу мавзу юзасидан назарий билимлар берилади, далиллар асосида маълумотлар ёритилади, тушинтирилади, умумлаштирилади ва хулоса қилинади.

3. Ўқув материалини оғзаки ёритишга бир қатор талаблар қўйилади. Булар материал мазмунини ҳақиқатлиги, далилларни тўғрилиги, англаш кетма-кетлиги ва системани ёритиш, ўқитувчини сўзлаш маданияти, ўқитувчини дикқатини доимий раҳбарликка, янги ўқув материалларини ўқувчиларга етказишига ва ҳаётий тажрибаларига боғлиқлиги.

4. Суҳбат-ўқувчиларни фан асослари билан таниширишда, кривошип- шатун механизмига таъсир этувчи динамик омилини ҳисоблашни ўргатишда, янги ўқув материалларини ўргатишда ва у билан боғлашда, ўтилган материалларни тақорорлашда, ўқувчилар билимини текширишда ва баҳолашда қўлланилади. Суҳбат давомида ўқитувчи ўқувчиларга савол бериб улар берган жавобларни эшишиб боради, ҳамда берилган жавоб хатоларини тўғрилайди. Маълумотларни умумлаштиради ва ўқувчилар жавобларига якун ясади. Суҳбатни яхши ўтишига ўқитувчи томонидан тузилган саволларни сифати катта таъсир кўрсатади.

«Дон тозалашмашиналари» мавзусини ўқитишда ҳар бир ўқувчига якка тартибда муносабатда бўлиш тамойилларини қўллаш хусусиятлари.

Махсус техника фанлари бўйича дарсларга тайёргарлик кўришда дидактик тамойил талабларини ҳисобга олиш зарур. Ўқитувчи ўқитиш қонуниятларини билиши эмас, балки уларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиши ҳам муҳимдир. Бунга ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг асосий қоидаларига таяниш кераклигини анлаган тақдирдагина эришиш мумкин. Бу қоидалар дидактикада ўқитиш тамойиллари ёки дидактик тамойиллар деб аталади. Ўқитувчи ўқувчиларга дон тозалаш машиналари мавзусини ўқитишда, дон тозалаш машиналарининг тузилиши, ишлаши ва вазифаси, уларнинг қисмларини ўргатиш. Ўқувчиларга дон тозалаш машиналарининг тузилиши, ишлаши ва унинг қисмлари ҳамда фан ва техника ютуқлари, олимлар ва етакчи муҳандисларни хизматлари ҳақида маълумотларни бериб бориш лозим. Ҳар бир ўқувчига якка тартибда муносабатда бўлиш тамойили, ўқувчиларни ҳар томонлама ўрганишини, уларга ўз вақтида ёрдам беришни, уларни ташаббускорлигини ва ижодий қобилятини намоён бўладиган шароит яратишини талаб қиласи. Дарс жихозларига юқори даражада эътибор бериш керак. Дарсни жихозлашда асосан кўргазмали қуроллар, макетлар, дон тозалаш машиналари ҳамда ишчи қисмлари электрон дарслик бўлиши керак. Кўргазмали қуролларда асосан дон тозалаш машиналари қисмлари уларни жойлашиши берилган бўлиши керак.

3.5. Мавзуни ўрганиш учун асосий ва қўшимча адабиётлар

«Дон тозалаш машиналари» мавзусини дарс материали ўзбек тилида чоп этилган адабиёт мавжуд, бироқ бу адабиётда берилган материаллар қисқадир. Шу сабабли дастурда келтирилган мавзуни мазмунни ва таркибидан келиб чиқкан ҳолда куйидаги адабиётлардан фойдаланиш мумкин:

1. М. Шоумарова Қишлоқ хўжалиги машиналари. Дарслик. Наманганд 2002 й / /

2. Ф.М. Маматов Қишлоқ хўжалик машиналари. Фан нашриёти. Тошкент 2007 й./ /
3. М. Шоумарова. Т. Абдуллаев Қишлоқ хўжалиги машиналари. Дарслик. Ўқитувчи. Тошкент 2009 й / /
4. F.Пайзиев, А.Нуриддинов Қишлоқ хўжалиги машиналари Маъruzalар матни. Наманган 2011й. / /
5. F.Пайзиев, А.Нуриддинов Қишлоқ хўжалиги машиналари Ўқув- услубий мажмуа. Наманган 2011 й / /
6. F.Пайзиев, А.Нуриддинов Қишлоқ хўжалиги машиналари Таълим технологияси. Наманган 2011й. / /

Юқорида келтирилган адабиётларда «Дон тозалаш машиналарининг вазифаси, тузилиши ва ишлаши ҳамда қисмларини ўзаро жойлашиши ҳақида маълумотлар берилган. Бу адабиётдан дарс ўтиш жараёнида тўла фойдаланилса бўлади, бироқ бу адабиётда ушбу мавзуни илғор педагогик технологиялар асосида ўқитиш, таълим технологияси тизимлари ҳамда ўқитишнинг янги ўзига хос усувлари тўғрисида маълумотлар берилмаган.

Дарснинг техник таъминотида дон тозалаш машиналарининг плакати ва стендидан фойдаланилади.

Кўргазмали курол сифатида мавзуни ёритиб берувчи слайдлардан иборат бўлган таълим технологиясидан фойдаланилади.

3.6. Мавзунинг структурали-мантиқий схемаси

Бу қисмда мавзунинг асосий тушунчалари келтирилади. Бу тушунчаларни билиб олиш учун базавий маълумотларни берувчи фанлар мавзулар билан боғлиқлиги бу тушунчаларни кейин ўқитиладиган фанлар ва мавзулар учун аҳамияти ўзаро боғлиқликда ёритилади. Мавзуда учрайдиган дон тозалаш машиналарининг қисмлари қўйидаги фанлар орқали ўрганилади. Бу фанларни ўрганиш давомида дон тозалаш машиналарининг қисмлари, ишлаши, тузилиши қонунларини ўрганади.

Талабалар мавзуни ўрганишда биринчи босқичда дон тозалаш машиналари тўғрисида маълумот олсалар, иккинчи босқичда дон тозалаш машиналарининг қисмларини вазифаси ва ишлаши ҳақида тўла маълумот оладилар.
